O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH
VA BANDLIK VAZIRLIGI

2023 yil «14» 03
№ 01/00-01/09-682

100031, TOSHKENT SHAHAR
MIROBOD KO'CHASI, 15

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири
_______________ Б.Мусаев
"14" март 2023 йил

**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да "Аҳоли ва тадбиркорларга сервис сифатини ошириш" бўйича**

**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш марказида **масофавий таълим платформасини** такомиллаштириш. | 1. Таълим жараёнини рақамлаштириш;<br>2. Рақамли технологиялар ёрдамида инсон омили иштирокисиз мустақил малака ошириш тизимини йўлга қўйиш;<br>3. Замонавий электрон таълим платформасини яратишда юқори малакали эксперт ходимларни шартнома асосида жалб этиш. | Вазир буйруғи | 2023 йил II чорак | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ходимларини малакасини ошириш маркази |
| 2. | Аҳоли, айниқса, камбағал, ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга, корхона ва ташкилотларга, шунингдек кичик бизнес вакилларига хизмат кўрсатишда **Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаолларини** муомала маданиятини юксалтириш, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича билим даражасини ошириш | 1. Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаолиини малакасини ошириш бўйича ўқув-режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br>2. Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин қизлар фаолларини билимларини ошириш мақсадида қисқа муддатли курсларда малакасини ошириш;<br>3. Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари хотин-қизлар фаоллари учун ўқув-услубий қўлланма, амалий кўрсатмалар ва тарқатма материаллар ишлаб чиқиш. | Режа-график асосида | 2023 йил апрель<br><br>Йил давомида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ходимларини малакасини ошириш маркази |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | **Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш** муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ҳамда **ISO 37001 сертификатини** қўлга киритиш | 1. Вазирлик тасарруфудаги ташкилотларнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мавзусида семинар тренинг ташкил этиш;<br>2. Вазирлик тизимида коррупциянинг олдини олишга, тизим ташкилотлари ва барча манфаатдор томонларнинг соғлом ишлаши ва рақобат муҳитини таъминлаш;<br>3. Ички корпоратив маданиятни мустаҳкамлаш. | Амалий чора-тадбирлар | Ҳар чоракда камида бир марта<br><br>2023-2024 йиллар давомида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ходимларини малакасини ошириш маркази, тасарруфий ташкилотлар |
| 4. | “Аёллар дафтари”нинг 3-4-5-6-тоифаларига киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга **моддий ёрдамлар кўрсатиш ва компенсацияларни** тўлашнинг шаффофлигини таъминлаш. | 1. Моддий ёрдамлар бериш ва компенсацияларни тўлаш бўйича васийлик кенгаши қарорини тайёрлаш.<br>2. Масъул ташкилотлар томонидан амалий ёрдамлар кўрсатиш.<br>3. Маълумотлар ва кўрсатилган амалий ёрдамларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсий масъулият ва жавобгарликни белгилаш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш. | Белгиланган чора-тадбирлар асосида | 2023 йил март ойидан бошлаб, манзилли жадваллар бўйича. | Оила vа хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалар раҳбарлари |
| 5. | “Аёлллар дафтари”га киритилган **3 868 нафар** боқувчиси бўлмаган **ҳамда 2 237 нафар** ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд хотин- | 1. Эҳтиёжманд хотин-қизларнинг уй-жойларини таъмирлаш ишларини режалаштириш;<br>2. Уй-жойни таъмирлаш бўйича лойиҳа сметасини тасдиқлаш;<br>3. Пудрат ташкилоти билан қурилиш | Белгиланган чора-тадбирлар асосида | 2023 йил март ойидан бошлаб | Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | қизларнинг **уй-жойларини таъмирлаш.** | ишларини бажариш бўйича шартнома тузиш;<br>4. Ажратилган маблағлар доирасида моддий ёрдамлар ажратиш. | | | ҳудудий бошқармалар раҳбарлари |
| 6. | **Меҳнатни муҳофаза қилиш** бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича **ўқув дастурлари ва ўқув-тематик режаларини** қайта кўриб чиқиш. | 1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш.<br>2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича таълим дастурларини Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси билан келишиш.<br>3. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Таълим дастурларини Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига тасдиқлатиш учун киритиш. | Таълим дастурларини келишиш ва тасдиқлаш | 2023 йил март<br>2023 йил апрель<br>2023 йил апрель | Камбағалликни қисқартириш ва меҳнат масалалари илмий-тадқиқот институти, Давлат меҳнат инспекцияси |
| 7. | Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланувчилар ҳуқуқлари поймол бўлишини олдини олиш мақсадида жисмоний шахсларнинг иштирокига доир **”Телеграм-бот”** каналини ташкил этиш. | 1. Тегишли мобил илова ва Телеграм-бот яратиш.<br>2. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни (фото ва видео) юборишга мўлжалланган электрон тизимни яратиш.<br>3.”Телеграм-бот” каналини тўлиқ ишга тушириш. | Ижрочилар қарори | 2023 йил август<br>2023 йил октябрь<br>2023 йил декабрь | “Мехнат сохасида лойихаларни бошқариш маркази” МЧЖ, Давлат меҳнат инспекцияси |
| 8. | Малакани баҳолаш марказлари ўз фаолиятини амалга ошириш учун **аккредитация гувоҳномасини** беришда талаб қилинадиган ҳужжатлар сонини камайтириш. | Малакани баҳолаш марказларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномасини ҳамда баҳолаш марказларини Республика меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш курсларида малака оширилганлиги | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат | 2023 йил июнь | Касбга ўқитиш ва миллий малака тизимини ривожлантириш бошқармаси |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тўғрисидаги сертификатларни сўрашни бекор қилиш. | | | |
| 9. | Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан **31 та асосий восита ва инвентарларни** тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш тизимини рақамлаштириш. | 1. Тадбиркорлик субъектларига 31 та асосий восита ва инвентарларни ижарага бериш бўйича электрон дастур ишлаб чиқиш.<br>2. Ишлаб чиқилган электрон дастурини Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиш.<br>3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан жамғармага Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза қолдириш тизимни ишга тушириш.<br>4. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тушган аризалар асосида 20 кун муддатда xarid.uz платформаси орқали сўралган маҳсулот билан таъминлаш. | Васийлик Кенгашининг мажлис баённомаси, Вазирнинг буйруғи | 2023 йил май<br>2023 йил май<br>2023 йил июнь<br>2023 йил июнь | Жамоат ишлар жамғармаси, Меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази |
| 10. | Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимларида қоғоздан фойдаланишни камайтириш, хужжатларни **электрон имзолаш** тизимини жорий этиш. | 1. Электрон имзолаш қурилмасини тизимга мослаш ва ўрнатиш ҳамда синов тариқасида ишга тушириш;<br>2. Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари электрон имзолаш қурилмалари билан таъминлаш.<br>3. Электрон имзолаш қурилмасини тўлиқ ишга тушириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил май<br>2023 йил июль<br>2023 йил сентябрь | Аҳоли бандлиги бошқармаси, Меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази, Ҳудудий камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари |
| 11. | Вазирлик тассаруфидаги мономарказларида ва касб-ҳунарга | 1. Мобиль телефонлар орқали касб-ҳунарга ўқиш истагини билдирган фуқаролар | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил апрел | Касбга ўқитиш ва миллий малака |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | ўқитиш марказларида шартномага асосан ўз ҳисобидан ёки иш берувчилар ҳисобидан ўкув курсларда касбни ўрганмоқчи шаҳслар томонидан ариза бериш, шартномани тузиш ва пулини тўлашни **онлайн** тарзда амалга ошириш имкониятини яратиш. | томонидан ўқув курсларга йўлланма олиш (шартнома тузиш) имкониятлар яратиш.<br>2. “Sertifikat.mehnat.uz” дастури орқали пулли курсларга ариза бериш ва ўқишга қабул қилиш.<br>3. Тўловларни ягонга билинг тизими орқали ўтказиш имкониятини яратиш. | | 2023 йил май<br>2023 йил сентябр | тизимини ривожлантириш бошқармаси “Меҳнат соҳасида лойиҳаларни бошқариш маркази” МЧЖ “Ишга мархамат” мономарказлари ва уларнинг филиаллари |
| 12. | Касбий малакаси, билими ва кўникмаларини баҳолашдан ўтишни хоҳловчи шахсларнинг малака имтихонида иштирок этиш бўйича аризаларини **malaka.mehnat.uz электрон шаклда тақдим этиш**. | 1. Малака имтихонида иштирок этмоқчи бўлган фуқаролар томонидан аризаларини электрон шаклда тақдим этиш.<br>2. Тўловларни ягонга билинг тизими орқали ўтказиш имкониятини яратиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил апрел<br>2023 йил май | Касбга ўқитиш ва миллий малака тизимини ривожлантириш бошқармаси, “Меҳнат соҳасида лойиҳаларни бошқариш маркази” МЧЖ, “Ишга мархамат” мономарказлари ва уларнинг филиаллари |
| 13. | Камбағалликни қисқартириш ва бандлиги тасарруфига кирувчи идораларнинг барча электрон ахборот базаларини, шу жумладан, “Ягона миллий меҳнат тизими” ИДАК, “Бандлик хизмати” АТ, “Он- | 1. Ягона архитектура асосида “Камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича рақамли экотизим”ни ташкил этиш бўйича техник талабномасини ишлаб чиқиш.<br>2. Техник талабнома асосида | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июнь<br>2023 йил | Меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази, Ахборот |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | лайн маҳалла”, “Аёллар дафтари”, “Ижтимоий хизмат” электрон платформасини ва “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимларини бирлаштириб, ягона архитектура асосида **“Камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича рақамли экотизим”**ни ташкил этиш. | “Камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича рақамли экотизим”га “Ягона миллий меҳнат тизими” ИДАК, “Бандлик хизмати” АТ, “Он-лайн маҳалла”, “Аёллар дафтари”, “Ижтимоий хизмат” электрон платформасини ва “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимларини бирлаштириш.<br>3. Ягона архитектура асосида “Камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича рақамли экотизим”ни ишга тушириш. | | август<br><br>2023 йил октябрь | технологияларини ривожлантириш ва рақамлаштириш бўлими, масъул департамент ва бошқармалар |
| 14. | Вақтинча, мавсумий ва бир марталик корхона, ташкилотлар ёки жисмоний шахслар учун ишга туширилган **“Менинг ишим”** мобил иловасини такомиллаштириш. | 1. “Менинг ишим” мобил иловасида иш қидирувчи ва иш берувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларга ўзи турган жойини (локациясини) белгилаш ҳизматини ишга тушириш.<br>2. Иш қидирувчи мобил илова орқали ўзи турган жойига яқин бўлган, ўзининг касби бўйича мавжуд вақтинчалик ва бир марталик иш ўринлари билан танишиш имконияти яратиш.<br>3. Иш берувчиларга вақтинчалик ёки бир мартталик бажариладиган иш учун иш хаққини кўрсатиш ва иш изловчи фуқаролар билан келишиш тизимини ишга тушириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил май | Аҳоли бандлиги бошқармаси, Ахборот технологияларини ривожлантириш ва рақамлаштириш бўлими, |
| 15. | **Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш** учун туман (шаҳар)лар ҳокимларининг қарори | 1. Корхона ва ташкилотлар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун захираланган (Квота) иш ўринлари тўғрисидаги ҳисоботни “ЯММТ” | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июнь | Аҳоли бандлиги бошқармаси, ЯММТ ИДАК, Меҳнат |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | билан захираланган (квота) иш ўринлари ҳисоботини рақамлаштириш. | ИДАКдаги ўзларининг шахсий кабинетида онлайн шакллантириб “Бандлик хизмати” АТга жўнатиш функциясини ишга тушириш;<br>2. Корхона ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар “Бандлик хизмати” АТ орқали туман (шаҳар) бандлик органи томонидан қабул қилишни ташкил этиш;<br>3. Корхона ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар асосида мавжуд захираланган (Квота) бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумот вазирликнинг ish.mehnat.uz веб сайтида онлайн акс эттириш. | | | соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази, |
| 16. | Ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда ногиронлиги бўлган шахслардан **тиббий хулоса талаб қилмаслик** тизимини йўлга қўйиш. | 1. Тиббий хулосаларни ТИЭК томонидан “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимига киритиб бориш;<br>2. Ушбу ахборот тизимини “Ижтимоий хизмат” электрон платформаси билан интеграция қилиш;<br>3. Тиббий хулосанинг мавжудлигини ўзаро ахборот алмашинуви орқали аниқлаш ва протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун сертификатни электрон шаклда тақдим этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб | Тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этиш департаменти, Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси |
| 17. | Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган шахслар, шунингдек, хориждаги меҳнат мигрантлари учун ишга туширилган “Labor Migrant Uz” мобил иловасини | 1. “Labor Migrant Uz” мобил иловасида ташкиллаштирилган тартибда хорижга ишга юборилган шахсларга ўзи турган жойини (локациясини) белгилаш ҳизматини ишга тушириш.<br>2. Меҳнат мигранти мобил илова орқали | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил май | Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | такомиллаштириш. | ўзи турган жойи тўғрисида юборувчи ташкилотга маълум қилиб бориш имкониятини яратиш. | | | бошқариш маркази |
| 18. | Меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қоғоз сарфини камайтириш. | 1. Ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатилган фуқаролар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни “labor-migration” дастурий мажмуасида электрон шаклда юритиш имкониятини яратиш.<br>2. Электрон шакллантирилган ҳужжат ва маълумотларни Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси томонидан кўриш ҳамда ўрганиш учун электрон майдонча яратиш.<br>3. Электрон ҳужжатлар ва маълумотлар асосида меҳнат мигрантларига кўрсатилган ҳуқуқий ва моддий ёрдам харажатларини қоплаб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил апрель<br><br>Доимий | Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси |
| 19. | Иш берувчи ташкилотларнинг меҳнат фаолиятини “Мустақил баҳолаш” порталини яратиш | Иш берувчи ташкилотларнинг меҳнат фаолиятини “Мустақил баҳолаш” порталини яратиш:<br>1. Иш берувчи ташкилотларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. Бунда,<br>иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари асосида фаолият олиб бораётганлигини мустақил текшириш ҳамда автоматик равишда қонун | 1. Портални яратиш учун лойиҳа-техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2.Техник топшириққа асосан зарурий техник | 2023 йил май | Давлат меҳнат инспекцияси, “Меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази” МЧЖ |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | бузилишларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш;<br>иш берувчилар учун меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид ички локал ҳужжатларни шакллантириш;<br>ўзини мустақил текширган иш берувчиларга “хавфни таҳлил этиш” тизимини баҳолашда ҳамда ушбу корхонада текширишлар ўтказилмаслик бўйича имтиёзлар олишга кўмаклашувчи электрон хизматларни кўрсатиш;<br>ходимларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақида хабарни қабул қилиш ва хабар қолдирувчининг талабига биноан уларнинг шахси тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш. | воситаларни харид қилиш. (сервер қурилмаси, тармоқлараро экран ҳимоя тизими).<br>Иш берувчи ташкилотларнинг меҳнат фаолиятини “Мустақил баҳолаш” порталини амалиётга жорий этиш.<br>Бунда “Мустақил баҳолаш” порталини ташкил қилишни Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари | | |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | ҳисобидан амалга ошириш. | | |
| 20. | Ногиронликни ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда **фуқароларнинг иштирокисиз белгилаш.** | 1. Даволаш-профилактика муассасалари томонидан йўлланмаларни, касаллик тарихидан кўчирмаларни, амбулатор карталарни, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳамда касб касаллигини белгилаш учун асос бўладиган махсус ваколат берилган соғлиқни сақлаш муассасаси хулосасидан кўчирмаларни “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимига электрон тарзда киритиб бориш.<br>2. Электрон тарзда тақдим этилган маълумотлар асосида Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронликни фуқароларнинг иштирокисиз белгилаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил 1 апрелдан бошлаб | Тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этиш департаменти, Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси |
| 21. | **Ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчи фуқароларни** уларга белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш учун қўшимча қулайлик яратиш. | 1. Ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчи фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзларнинг ягона рўйхатини шакллантириш ва доимий янгилаб бориш.<br>2. Адлия вазирлиги билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчи фуқаролар учун белгиланган имтиёзларнинг ягона рўйхатини “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталида эълон қилиб, Интернет тармоғи орқали мунтазам ёритиб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил 1 июндан бошлаб | Тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этиш департаменти |